

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БОЗОРОВ ШАВКАТ ТОЖИДДИН ЎҒЛИ

**АНОРЕКТАЛ РИВОЖЛАНИШ НУҚСОНЛАРИ АНИҚЛАНГАН
БОЛАЛАРДА ПРЕВЕНТИВ КОЛОСТОМАЛАР ЎРНАТИШ УЧУН
КЎРСАТМАЛАР ВА УСУЛЛАРНИ ТАНЛАШ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Тиббиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on medical
sciences**

Бозоров Шавкатжон Тождидин ўғли

Аноректал ривожланиш нуқсонлари аниқланган болаларда превентив
колостомалар ўрнатиш учун кўрсатмалар ва усулларни танлаш3

Бозоров Шавкатжон Тождидин угли

Показания и выбор метода наложения привентивных колостом
у детей с аноректальными пороками развития..... 21

Bozorov Shavkatjon Tojiddin ugli

Indications and choice of the method of applying preventive colostomy
in children with anorectal malformations 39

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published works 42

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БОЗОРОВ ШАВКАТ ТОЖИДДИН ЎҒЛИ

**АНОРЕКТАЛ РИВОЖЛАНИШ НУҚСОНЛАРИ АНИҚЛАНГАН
БОЛАЛАРДА ПРЕВЕНТИВ КОЛОСТОМАЛАР ЎРНАТИШ УЧУН
КЎРСАТМАЛАР ВА УСУЛЛАРНИ ТАНЛАШ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Tib1784 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.sammi.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Алиев Махмуд Муслимович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Шамсиев Жамшед Азаматович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Оллабергенов Одилбек Тожидинович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Қозғоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**
Педиатрия ва болалар хирургияси илмий маркази

Диссертация химояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» 12 соат/13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кучаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) - 233-30-34, e-mail: ilmiyprorektori@sammi.uz).

Диссертацияси билан Самарқанд давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2021 йил «18» декабр да тарқатилди.
(2021 йил «18» 12 даги 5 рақамли реєстр баённомаси).



А.М.Шамсиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Г.З.Шодиқулова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори

Ж.О.Атакулов

Илмий даражаларни берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Аноректал соҳа аъзоларининг ривожланиш нуқсонлари – аноректал малформациялар (АРМ) нафақат анус, тўғри ичак, урогенитал трактнинг, балки кенг кўламдаги бошқа аъзо ва тизимлар туғма нуқсонлари ва аномалияларини ҳам ўз ичига олади. Жаҳон соғлиқни сақалаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ҳар йили 303 мингдан зиёд болалар ҳаётининг дастлабки тўрт ҳафтасида туғма нуқсонлардан вафот этади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси “Туғма нуқсонлар” га бағишланган резолюциясига кўра «...кўплаб сабаблар ва туғма касалликлар детерминантлари билан бир қаторда туғма ривожланиш нуқсонлари неонатал даврда яшаб қолган болаларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда...Туғма нуқсонлар ва ривожланиш аномалиялари таркибида аноректал малформацияларнинг (АРМ) нисбати 7% дан ошади...»¹, АРМ ларнинг учраш даражаси йилига 1:9000 дан 1:2000 гачани ташкил этади ва унинг диагностикаси ва даволаш муаммолари нафақат ушбу соҳа эмбриогенезининг мураккаблиги, балки нуқсоннинг турли шаклларда учраши билан ҳам боғлиқ бўлиб, болаларнинг ҳаёт сифатини пасайшига, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларининг ошишига олиб келмоқда. Бу ўз навбатида тиббий ва ижтимоий жиҳатдан долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда болалар колопроктологиясининг замонавий ривожланиш босқичида колостомалар ўрнатишнинг кўплаб усуллари ва турлари таклиф қилинган. Бироқ, колостомаларни шакллантириш, олиб юриш муддатлари, фаолияти тўхтаган ичак қовузлоғининг ҳолати, шунингдек, кейинчалик ичак девори бутунлигини тиклаш билан боғлиқ асоратларнинг юқори даражаси (10% дан 33% гача) АРМ ни даволашда кўплаб тактик муаммолар ўз ечимини топмаганлиги болалар жаррохлиги олдида турган ечимга муҳтож муаммолардан ҳисобланади. Шунинг учун АРМ нинг турли шакл ва кўринишларида колостома ўрнатишга кўрсатмалар ва моненьликлар, шунингдек йўғон ичакнинг стомалаш ўрни ва мақбул усуллари танлашда қарши кўрсатмалар, йўғон ичак стомасининг мақбул даражаси ва усулини танлаш усуллари мувофиқлаштириш бўйича тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада АРМ ни даволашда ўз вақтида жаррохлик амалиётини қўллаш натижасида саломатликни тиклаш, тиббиётнинг биринчи бўғини, шошилиш тиббий ёрдамни янада ислоҳ қилиш, ҳамда йўналтирилган жаррохлик даволаш услубларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги даврда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш ва унинг кўламини кенгайтириш бўйича мақсадли чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Мазкур йўналишда, хусусан АРМ бўлган болаларда хирургик даволаш сифатини яхшилаш бўйича ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга, тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун ушбу нуқсонни хирургик даволашнинг янги усуллари самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий асосланган натижалар талаб қилинади. Ўзбекистон Республикаси

¹ WHO | Sixty-third World Health Assembly closes after passing multiple resolutions //WHO [Электронный ресурс]. URL: https://www.who.int/mediacentre/news/releases/2010/wha_closes_20100521/en/.

Президентининг 2018 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ 5590-сон Фармонида «...Оналар ва болаларга сифатли тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ихтисослашган ва юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш ва чақалоқ, болалар ўлимини камайтириш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш болалар орасида аноректал туғма нуқсонларни эрта ташхислаш, клиник кечишини баҳолаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш орқали касалланиш ва оғир асоратлар ривожланишини олдини олишга, хазм тракти туғма нуқсонлари туфайли келиб чиқувчи ногиронликни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ 5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ 3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муаммонинг узок муддат мобайнида ўрганилишига қарамасдан, болалар хирурглари орасида мазкур нуқсонларни текшириш, уларни бартараф қилишнинг оптимал муддатлари ва бартараф қилиш усуллари, шунингдек, операциядан кейинги даволаш ва реабилитация қилиш бўйича ҳанузгача келишмовчиликлар мавжуд (В.И. Аверин, 2015; М.А. Аксельров, 2018; Н.С.Демикова ва ҳаммуалл., 2018; А. Elrouby, 2020; Tofft L. et all., 2018). Колоректал нуқсонларни превентив колостомаларсиз бартараф қилишга қизиқишларнинг кўп бўлишига қарамасдан, юзага келиши мумкин бўлган асоратлари туфайли мазкур усулларнинг муваффақиятли эканлиги кафолатланмаган ва улар нафақат ичакнинг меърий фаоллияти учун, балки анал тешикнинг сфинктер аппарати учун ҳам жиддий хавф туғдиради (В.И. Аверин, 2015; С. А. Smith, J.Avensino, 2020). Бирламчи радикал операциялардан кейинги асоратларнинг учраш даражаси юқори эканлигини ҳисобга олиб, болаларда АРМ ларни даволашнинг дастлабки босқичи сифатида кўплаб муаллифлар томонидан колостомаларни шакллантиришнинг турли усуллари таклиф қилинган (А. Bischoff et all., 2013). Малформациялар юқори шакллари, шунингдек қайта тикловчи операциялар бажарилгунга қадар дастлаб колостомия ўтказиш, 2-3

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ 5590-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.11.2021 й., № 06/21/26/1111.

ой ўтиб эса нуқсонни радикал бартараф қилиш бўйича бир тўхтамга келинган (J. C. Livingston ва ҳаммуалл., 2012; R. J. Wood et all., 2019; N. Zamir, 2020).

Кўпчилик мутахассислар, шунингдек Ўзбекистондан қатор олимлар дастлаб колостомия ўтказиш, сўнгра боланинг вазни маълум массага етганда (одатда 8-10 кг) ёки 6-18 ойлигида проктопластика ўтказиш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги фикрни маъқуллайдилар. Бунга асос қилиб эса чаноқ соҳаси мушак тузилмалари, кичик чаноқ аъзолари, тўғри ичак қон томирлари ва нервларига ортиқча жароҳат етказмаган ҳолда ва техник хатоларсиз мураккаб операцияларни бажариш учун оптимал шароитларнинг яратилиши деб ҳисоблайдилар (Д.А.Морозов ва ҳаммуалл., 2013; М.М. Алиев, 2016; Н.Ш.Эргашев, Ф.А.Отамурадов, 2016; Д.О. Атакулов ва ҳаммуалл., 2020, 2021; А.Ж.Хамраев, Д.Б.Рахмонов, 2020; Ш.Ж.Шамсиев ва ҳаммуалл., 2021).

Махсус адабиётларда колостома ўрнатиш жойи тўғрисида турли хил фикрларни учратиш мумкин (Г.А.Шишкина ва ҳаммуалл., 2017; A. Elrouby et all., 2020). Баъзи муаллифлар бу мақсадда сигмасимон ичакни, бошқалари кўндаланг чамбар ичакни, айримлари кўр ичак ва кўтарилиувчи чамбар ичакни танлашни тавсия қиладилар. Колостома ўрнатишнинг мақбул жойини танлаш билан бирга унинг ўз функциясини бажариш муддатини ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайди, чунки, колостома шакллантирилгандан сўнг йўғон ичканинг бошланғич қисмларида етарлича узунликда бўлган соғлом ичак бўлагининг узоқ муддат фаолиятдан тўхташи “фаолиятсиз” ичак синдромининг ривожланишига олиб келади. Колостомик асоратларни олдини олиш учун ичак стомасини ўрнатиш техникаси алоҳида аҳамият касб этади (А.Н. Смирнов ва ҳаммуалл., 2013; H. Ven Ameur, 2014).

Юқорида келтирилган илмий жиҳатлар болалар колопроктологиясида колостомаларни ўрнатиш жойи ва усуллари танлашнинг долзарб масалаларини белгилайди. Стомаларнинг турли-туманлиги, уларни энг маъқул ва кам асоратланувчи турлари борасида баҳс-мунозараларнинг ҳанузгача давом этаётганлиги, адабиётларда мазкур муаммо ечими бўйича исботланган маълумотларнинг камлиги тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муссасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот режалирига мувофиқ ПЗ-2017083014-сонли «Болаларда анал инконтененцияни даволаш ва реабилитация усуллари такомиллаштириш» (2018-2020 йй.) илмий лойиҳа доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади аноректал мальформацияси бўлган болаларда превентив колостомаларни ўрнатиш жойи ва усулини танлаш орқали хирургик даволаш натижаларини самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аноректал малформацияли болаларда превентив колостомасиз бажарилган операциялардан кейинги асоратларнинг ривожланиш сабабларини таҳлил қилиш;

аноректал малформацияли болаларда превентив колостомия ўтказиш учун кўрсатмаларни асослаш;

аноректал малформацияли болаларда превентив колостомия ўрнатиш жойи ва усулини такомиллаштириш ва қўллаш;

болаларда превентив колостомалар билан юришнинг оптимал муддатлари ва уларни бартараф қилиш усуллари белгилаш ва тадбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2015 - 2020 йилларда ТошПТИ клиник базалари ва Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида АРМ билан даволанган, операциядан кейинги эрта ва кечки асоратлар аниқланган 159 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болаларда колостомаларнинг ўрнатиш жойи ва усуллари, операциядан олдинги ва кейинги даврларда хавфли асоратларни бартараф этишда хирургик операциянинг самарадоригини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, ретроспектив ва проспектив таҳлил маълумотлари, инструментал, функционал, морфологик ва статистик таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

парастомал асоратлар ривожланишини олдини олиш мақсадида чиқарилувчи ичакда «гофра» кўринишидаги бурмаларни яратиш орқали сунъий қопқоқ ҳосил бўлиши туфайли жарроҳлик амалиёти такомиллаштирилган;

аноректал малформациянинг юқори шаклларида алоҳидаланган иккиталик сигмостомани ўрнатиш ҳамда унинг оптимал муддатларини белгилаш натижасида микроциркуляция яхшиланиши колостомаларнинг асоратсиз ёпилиши исботланган;

аноректал малформацияси бўлган болаларда превентив колостомия ўрнатиш орқали радикал жарроҳлик асоратларнинг пасайганлиги асосланган;

аноректал малформацияси бўлган болаларда превентив колостомия ўрнатиш усулида маҳаллий қон айланиши яхшиланиши касалликни бартараф қилиш муддатлари белгилаш орқали даволаш тадбирлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аноректал малформацияли болаларда бирламчи-радикал, шунингдек қайта-коррекцияловчи операцияларни бажаришда превентив колостомалар ўрнатишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

аноректал малформацияли болаларда превентив колостомаларни ўрнатиш жойи ва усулини танлаш алгоритми тадбиқ қилинган;

колостомаларни парваришлаш, уларни бартараф қилишнинг оптимал муддати ва усулини танлаш бўйича талаб ва тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, материалнинг етарли даражадалиги, шунингдек, текширилган беморлар сони етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган умумклиник, инструментал, морфологик ва статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги,

хулоса ва олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти парастомал асоратлар ривожланишини олдини олиш мақсадида чиқарилувчи ичак қовузлоғида “гофра” шаклида бурмалар хосил қилиш орқали сунъий қопқоқ шакллантириш натижасида колостомия усулини такомиллаштириш, колостома билан юришнинг оптимал муддатларини белгилаш орқали колостомаларни асоратсиз ёпилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти АРМ нинг юқори шакллари аниқланган эрта ёшли болаларда ҳамда қайта-коррекцияловчи операцияларда алоҳидаланган иккиталик колостомия усулини қўллаш параколостомик асоратлар ривожланишини олдини олиши, превентив хирургик тактика АРМ бўлган болаларда хирургик даволаш натижаларини яхшилаш ва операциядан кейинги асоратлар сонини камайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: АРМ аниқланган бемор болаларни даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган натижалар асосида:

“Аноректал мальформация бўлган болаларда колостомия усулларини танлаш” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 декабрдаги 8 н-р/585-сон маълумотномаси). Таклиф қилинган тавсиялар аноректал мальформацияда жаррохлик муолажасининг самарадорлигини ошириш имконини берган;

болаларда АРМни жаррохлик усули қўлланилганда превентив колостомаларга кўрсатмалар ва уларни ўрнатиш жойи ва усулини танлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, ТошПТИ клиникаси, Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 сентябрдаги 08-07/11350-сон маълумотномаси). Олинган натижаларни амалиётга тадбиқ этилиши аноректал туғма нуқсонларни даволашда ишлаб чиқилган стомалаш усулларини қўллаш натижасида операциядан кейинги эрта даврда анатомик, шу билан бирга функционал натижаларни 39,4% дан 20% гача, операциядан кейинги даврда эса асоратлар сонини 2 баробаргача камайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 6 та мақола, улардан 4 та республика ва 2 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари таърифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, ишнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти келтирилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **«Аноректал туғма нуқсонларни превентив колостомиясиз хирургик даволаш муаммолари»** деб номланган биринчи бобида АРМ аниқланган болаларда диагностика, даволаш ва асоратлар профилактикаси муаммолари, шунингдек превентив колостомиянинг мақсадга мувофиқлигини белгиловчи хирургик даволаш истиқболлари бўйича илмий маълумотлар чуқур таҳлил қилинган, танқидий баҳоланган, умумлаштирилган ва тизимлаштирилган, ўз ечимини топиши лозим бўлган долзарб масалалар ўрганилган. Ўтказилган адабиётлар таҳлили натижаларига асосан ушбу муаммо бўйича ечилмаган вазифалар белгиланган.


Диссертациянинг **«Тадқиқот материали ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида объектларни ва тадқиқот усулларини тавсифлашга бағишланган. 2015-2020 йиллар давомида Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази жаррохлик бўлимларига аноректал мальформациянинг оқмали ва оқмасиз турлари билан, шунингдек Республика перинатал марказларида ва яшаш манзилидаги тиббиёт муассасаларида дастлабки колостома шакллантирилган, аноректал мальформациянинг юқори турлари аниқланган 0 ёшдан 12 ёшгача бўлган 159 нафар бемор болаларнинг даволаш ва кузатув натижалари таҳлил қилинган.

Текширувдан ўтган болаларда АРМ нинг анатомик шаклига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилди: оқмали шакли - 56 (35,2%) нафар бола, оқмасиз шакли – 103 (64,8%) нафар. Шулардан 111 тасини (69,8%) ўғил болалар, 48 (30,2%) нафарини қиз болалар ташкил қилган. Аноректал малформацияга чалинган болаларнинг умумий сонидан 42 (26,4%) тасида хамроҳ келувчи аномалия ва ривожланиш нуқсонлари аниқланган. Энг катта гуруҳни буйрак ва сийдик йўллариининг туғма патологияси аниқланган 14 (33,3%) нафар бемор болалар ташкил қилган.

Назорат гуруҳига аноректал мальформациянинг оқмали ва оқмасиз турлари билан, шунингдек Республика перинатал марказларида ва яшаш манзилидаги тиббиёт муассасаларида аноректал мальформациянинг юқори ва ўрта шакллари бўйича дастлабки колостома шакллантирилган 109 (68,5%) нафар бемор болалар киритилган.

Асосий гуруҳга АРМ нинг оқмали тури, қуйи шакллари билан бирламчи мурожаат қилган ва такомиллаштирилган усулда колостомия бажарилган 26 (16,4%) нафар, шунингдек, яшаш жойида АРМ тури ва шаклидан қати назар аввал колостомия бажарилган, кейинчалик такомиллаштирилган усулда колостома ўрнатилган 24 (15,1%) нафар, жами 50 нафар бемор болалар киритилган (1-расм).

Тадқиқотнинг махсус усуллари сифатида ирригография, эхографик ва инструментал текшириш усуллари қўлланилган. Превентив колостомаларсиз бажарилган аноректопластика асоратлари Wexner шкаласида баҳоланган. Йўғон ичакда колостомияларни шакллантиришда “фаолиятсиз ичак” даги морфологик ўзгаришлар ҳам ўрганилган.



1-расм. Тадқиқот дизайни

17 нафар (30,4%) бемор болаларда йўғон ичакни рентген контрастли теширувлари шуни кўрсатдики, кўп ҳолларда стоманинг олиб кетувчи қисмида химус тўпланиши оқибатида йўғон ичакнинг дистал соҳасида нажас тошлари шаклланади, бу эса ўз навбатида ичак бўшлиғининг кенгайиши ва интоксикация симптомларини сақланиб қолишига олиб келади. Мазкур асоратларни олдини олиш мақсадида Гартман тури бўйича ичак деворида “гофра” шаклида бурмалар ҳосил қилиш билан терминал колостомия бажарилди. Колостоманинг бу шаклда ўрнатилиши даволаш натижаларини яхшилаш, ичакнинг фақатгина дистал соҳасини чеклаш орқали ичак функциясини максимал сақлаб қолиш имконини берган. Олинган тадқиқот натижаларга SPSS Pro X дастурлар пакети ёрдамида статистик ишлов берилди. Статистик таҳлил учун Стьюдентнинг t-мезони ($M, \sigma, \pm m$) ҳамда χ^2 мезонидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «Болаларда аноректал мальформацияларни хирургик даволашдан кейинги асоратларнинг таққослама таҳлили» номли учинчи бобида тадқиқотнинг дастлабки босқичларида ва бошқа клиникаларда ўтказилган аноректопластика натижаларининг ретроспектив маълумотлари келтирилган. Мазкур бобда аноректал мальформациянинг қуйи, ўрта ва юқори шакллари сабабли турли усулларда бажарилган оралик ва қорин оралик проктопластикалардан кейинги асоратларнинг учраш даражаси ва уларнинг тавсифи баён қилинган (1-жадвал).

Превентив колостома ўрнатилмасдан бажарилган аноректопластика натижалари беморларнинг ҳаёт сифатини ёмонлашувига, функционал бузилишларга олиб келиши ва қайта аралашувни талаб қилганлиги сабабли тўғри ичак ретракцияси ва стенози, анал инконтиненция каби асоратлар доирасида таҳлил қилинди.

1-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида АРМ ларни хирургик даволашдан кейинги асоратларнинг учраш даражаси

№	Тадқиқот гуруҳлари	Операция турлари	Операциялар сони		Асоратлар сони	
			абс	%	абс	%
1	Назорат гуруҳи (n=109)	Превентив колостомасиз аноректопластика	19	11,94	8	5,03
		Колостомасиз қорин-оралиқ аноректопластика	21	13,20	7	4,40
		АРМ туридан қати назар бажарилган колостомия	69	43,39	28*	17,61
2	Асосий гуруҳ (n=50)	Тақомиллаштирилган колостомия (бирламчи)	26	16,35	3	1,88
		Тақомиллаштирилган колостомия (иккиламчи)	24	15,09	7	4,40
Жами			159	100	53	33,32

Изоҳ: АРМ туридан қати назар бажарилган колостомия асоратлари бўйича ишонарлилик даражаси $\chi^2=4,497$; $Df=1$; $P=0,034$ ни ташкил қилди.

Превентив колостома ўрнатилмасдан бажарилган аноректопластика натижаларини таҳлили кўп маротаба қайта аралашувни талаб қилувчи асоратларнинг жуда юқори эканлигини кўрсатди (2-3-жадваллар).

2-жадвал

Превентив колостомиясиз бажарилган аноректопластика асоратлари

№	Аноректопластика усуллари	Асорат турлари						Жами	
		Ретрак-ция		Анал инконтиненция		Стеноз			
		abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
1	Stoun-Benson (n=8)	1	5,26	-	-	2	10,52	3	15,78
2	Rizzoly (n=5)	1	5,26	1	5,26	1	5,26	3	15,78
3	Pena (n=6)	1	5,26	-	-	1	5,26	2	10,52
Жами (n=19)*		3	15,78	1	5,26	4	21,05	8	42,1

Изоҳ: * - жами аноректопластика усулларига нисбатан асоратланиш кўрсаткичи.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турганидек, превентив колостомасиз бажарилган аноректопластикалардан 8 та бажарилган Stoun-Benson, 5 та Rizzoly операцияларидан сўнг мос равишда 3 тадан (15,78%) жами 6 та

беморда (31,56%) асоратлар ривожланган. Рена операциясидан сўнг эса ушбу кўрсаткич бирмунча кам учраши аниқланди ($p>0,05$). Асоратлар ривожланишига нафақат колостомасиз бажарилган бирламчи-коррекцияловчи операциялар, балки аноректал малформацияларнинг нотўғри ташхисланиши ҳам сабаб бўлган.

3-жадвал

Превентив колостомасиз бажарилган қорин-оралиқ аноректопластика асоратлари

№	Аноректопластика усуллари	Асорат турлари						Жами	
		Ретракция		Анал инконтиненция		Стеноз			
		abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
1	Soave (n=9)	-	-	2	9,52	1	4,76	3	14,28
2	Romualdi (n=7)	1	4,76	1	4,76	1	4,76	3	14,28
3	Svenson-like (n=5)	1	4,76	-	-	-	-	1	4,76
	Жами (n=21)*	2	9,52	3	14,28	2	9,52	7	33,3

Изоҳ: * - жами аноректопластика усулларига нисбатан асоратланиш кўрсаткичи.

Превентив колостомасиз бажарилган қорин-оралиқ аноректопластикасидан сўнг энг кўп асоратларни фекал инконтиненция ва туширилган ичак стенози ташкил қилган бўлиб, мазкур асоратлар Soave ва Romualdi операцияларидан кейин кузтилган ва мос равишда 14,28% ни ташкил қилган. Асоратланиш бўйича энг кам кўрсаткич Svenson-like операциясидан кейинги даврда, 1 (4,76%) нафар беморда стома ретракцияси кўринишида юз берган. 1 (4,76%) нафар беморда Soave операциясидан кейин, анастомоз сохасининг нажас массалари билан ифлосланиши ва кеч битиши туфайли туширилган ичакда стеноз кузатилган. Бундан ташқари, мазкур гурҳдан 7 нафар (33,3%) беморда операциядан кейинги жароҳат четларининг қочиши ва йиринглаши каби асоратлар ривожланган.

АРМ шаклидан қати назар жами 69 нафар беморларда колостомия бажарилган бўлиб, колостомия асоратлари ўрнатилган соҳа ва қорин деворидаги жойлашуви бўйича тахлил қилинди (4-жадвал). Барча беморларда ўрнатилган колостомалар тахлили Гартман типиди “гофра” шаклидаги сигмостомия (n=24) ва алоҳида иккиланган колостомияларнинг (n=18) хиссаси кўп эканлигини (мос равишда 34,78% ва 23,19%) кўрсатди.


4-жадвал

Аноректал мальформация шаклидан қати назар ўрнатилган колостомия турлари (n=69)

№	Колостомия турлари	АРМ турлари						Жами	
		Юқори		Ўрта		Қуйи			
		abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
1	Гирдаладзе	7	10,14	4	5,79	3	4,35	14	23,19
2	Асцендостомия	4	5,79	4	5,79	2	2,89	10	14,49
3	Транзверзостомия	1	1,45	1	1,45	-	0,00	2	2,90
4	Десцендостомия	1	1,45		0,00		0,00	1	1,45
5	Гартман типиди сигмостомия	13	18,84	7	10,14	4	5,80	24	34,78

	(гофралаш)								
6	Алоҳида иккиланган сигмостомия	9	13,04	7	10,14	2	2,89	18	23,19
	Ҳаммаси	36	52,17	24	34,78	9	13,04	69	100,00

Шуни таъкидлаш жоизки, 24 та Гартман типида «гофра» хосил қилиш орқали такомиллаштирилган усулда бажарилган сигмостомалар иккиламчи равишда бажарилган бўлиб, АРМ нинг турли шакллари билан аввал яшаш жойида колостома ўрнатилган бемор болаларда бажарилган. Аноректал мальформация шаклидан қати назар ўрнатилган колостомаларнинг 26 (37,68%) таси ўнг томонлама, 43 (62,31%) таси чап томонда бажарилган. Ўнг томонлама ўрнатилган колостомия асоратлари чап томонлама ўрнатилган стомалардан сезиларли даражада фарқ қилди (2-расм).



2-расм. Аноректал мальформация шаклидан қати назар ўрнатилган колостомия асоратлари

Ўнг томонлама колостомиядан кейинги асоратлар жами 13 нафар беморда кузатилди ва шу гуруҳдаги асоратларнинг 50,0% ни ташкил қилди. Қорин олд деворида кенг канал шакллантирилиши оқибатида 1 (3,84%) нафар беморда парастомал эвентрация, ичак эвагинацияси 3 (11,5%) та беморда кузатилган.


Иккиталик сигмастома ўрнатилган 3 нафар, дистал бир ўзакли сигмастома бажарилган 1 нафар беморда ичак эвагинацияси (9,30%) кузатилди. Ичакнинг стома орқали тушиб қолиши қорин бўшлиғида эркин перистомал ичак бўлагининг кўп қолдирилиши ва унинг ҳаракатчанлиги оқибатида колостомик тешик орқали ташқарига “ағдалиб” чиқиши билан боғлиқ бўлган. Бундай вазиятда шошилиш равишда ичак эвентрациясини бартараф қилиш, Гартман турида ичак бўлагига “гофра” шаклида бурмалар хосил қилиш билан бажарилувчи бир ўзакли колостома ўрнатиш йўли билан стома реконструкцияси амалга оширилди.

Стома стенози ўнг томонлама колостома ўрнатилган 1 (3,84%) та ва чап томонлама колостома ўрнатилган 2 (4,65%) нафар беморда кузатилди. Стоманинг торайиши ичак охирида, тери ва кесилган апоневроз оралиғига

тўғри келган. Кўп миқдорда алоҳида чокларнинг қўйилиши ва бунинг оқибатида стома чиқиш тешигида қон айланишининг бузилишига олиб келувчи гипергрануляциялар, шунингдек, мушак-апоневротик қаватда жуда тор тешик ҳосил қилиниши туфайли ичакнинг эзилиб қолиши сабаб бўлган. Ичак бўшлиғининг стенозланиши секин-аста юз бериб, дастлаб нажас массаларининг ажралиши сезиларсиз тўсқинлик қилган. 1 та ҳолатда стома функциясининг бузилиши билан кечувчи ригид торайиш аниқланган бўлиб, стома реконструкциясини талаб қилди.

“Фаолиятсиз ичак” синдроми иккиталик сигмастома ўрнатилган 2 (7,69%) нафар беморда кузатилди. Бунга колостомани ўнатиш жойини нотўғри танланганлиги ҳисобига сигмасимон ичак дистал қисми функциясининг “тўхтаб” қолишига олиб келган. Мазкур асорат кейинчалик хирургик манипуляцияларни ўтказишда қийинчилик туғдирди.

Болаларда аноректал мальформацияларни хирургик даволашдан кейинги асоратларнинг таққослама таҳлил натижалари АРМ ларни превентив колостомасиз хирургик йўл билан бартараф қилишда асоратланиш кўрсаткичларининг юқори эканлигини тасдиқлади (3-расм).



3-расм. Тадқиқот гуруҳларида асоратланиш кўрсаткичларининг таққослама таҳлили

АРМ тури ва шаклларино инобатга олмаган ҳолда ўрнатилган колостомалар асоратлари ҳам кўп учради ва алоҳида аҳамият касб этди. Кўндаланг чамбар ичакка ўрнатилган стомаларга қараганда сигмостомаларнинг ўрнатилиши самаралироқ эканлиги тўғрисидаги далиллар ўз тасдиғини топди. Ретракция, обструкция, парастомал чурра, аноректопластикадан кейинги инфекция каби ва стомаларни бартараф қилиш билан боғлиқ бошқа асоратлар бўйича тадқиқот гуруҳларида сезиларли фарқ топилмади. Такомиллаштирилган усулда Гартман типиди “гофра” ҳосил қилиш усулида сигмостома ўрнатилиши катта хажмда ичак резекциясини бажариш заруратини бартараф қилади, ичак функциясини максимал сақлаб қолиш ва асоратлар сонини 39,4% дан 20% гача камайтириш имконини берди.

Диссертациянинг «Превентив колостомаларни ўрнатиш жойи, усуллари ва уларни бартараф қилиш йўллари» номли тўртинчи бобида аноректал нуқсонлар, шунингдек хамроҳ келувчи бошқа аъзо ва тизим аномалияларида превентив колостома ўрнатиш усулларино танлаш, уларни

бартараф қилиш, асоратларни даволаш бўйича проспектив тадқиқот натижалари баён қилинган. “Фаолиятсиз ичак” нинг морфологик тавсифи келтирилган. Бирламчи коррекцияловчи оператив муолажа ўтказишдан олдин 50 нафар беморларда колостомия шакллантирилди, шулардан 24 (48,0%) нафарида биз томонимиздан такомиллаштирилган колостомия усули иккаламчи бажарилди, 26 (52,0%) тасида эса Гартман тури бўйича сигмастома (гофра кўринишида) ўрнатилди (5-жадвал).

5-жадвал

Асосий гуруҳдаги беморларда ўрнатилган превентив колостомаларнинг АРМ шаклларига кўра тақсимланиши (n=50)

№	АРМ шакллари	Гартман типи бўйича сигмастома (гофралаш)					
		Иккиламчи		Бирламчи		Жами	
		Abs	%	abs	%	abs	%
1	Юқори	13	26,0	15	30,0	28	56,0
2	Ўрта	9	18,0	7	14,0	16	32,0
3	Қуйи	2	4,0	4	8,0	6	12,0
	Жами	24	48,0	26	52,0	50	100,0

Асосий гуруҳда операция турларига кўра умумий асоратланиш даражаси 10 (20,0%) тани ташкил қилган бўлиб, иккиламчи ўрнатилган колостомаларга нисбатан такомиллаштирилган усулда илк бор бажарилган колостомия асоратлари сезиларли даражада кам учради (4-расм).



4-расм. Асосий гуруҳида асоратларнинг учраш даражаси

Асосий гуруҳ беморларида статистик ишонарли равишда энг юқори кўрсаткич АРМ тури ва шакллари инobatга олинмасдан яшаш жойларида операция ўтказилган (n=24; 48,0%), кейинчалик иккиламчи равишда такомиллаштирилган усулда ўрнатилган колостомия асоратларига (n=7; 14,0%) тўғри келди.

Олдин туширилган ичак ва ораликдаги қўпол анатомик ва функционал бузилишларга олиб келган асоратларни бартараф қилиш учун, бир ёки бир неча маротаба оператив муолажа бажарилган. Превентив колостомия бажарилган беморларда операция турига кўра асоратларнинг ривожланиши тахлил қилинди (6-жадвал).


6-жадвал

АРМ ни даволашда превентив колостомалар ўрнатилган болаларда асоратлар тури ва учраш даражаси (n=50)

№	Аноректопластика усуллари	Асорат турлари			Жами
		Ретракция	Анал	Стеноз	

				инконтиненция					
		abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
1	Soave-Boley (n=18)	1	2,0	3	2,0	1	2,0	5	6,0
2	Romualdi (n=9)	2	4,0	-	-	1	6,0	3	10,0
3	Svenson-like (n=23)	-	-	1	2,0	1	2,0	2	4,0
	Жами (n=50)	3	6,0	2	4,0	3	6,0	10	20,0


Жадвал маълумотларига кўра, превентив колостомия билан бажарилган операциялардан энг кўп асоратлар Romualdi (6,0%) ва Soave -Boley (6,0%) операцияларида кузатилган. Svenson-like операцияси бажарилган 1 та беморда (2,0%) фекал инконтиненция ва 1 та беморда (2,0%) стома стенози кузатилган бўлиб, стома ретракцияси каби асорат умуман кузатилмаган ва мазкур операцияда асоратларнинг умумий кўрсаткичи 8,7% ни ташкил қилган. Эвагинация ва перистомал асоратларни профилактика қилиши усулларида бири бўлиб биз томонимиздан ишлаб чиқилган, чиқарилувчи ичакда “гофра” шаклида бурмалар ҳосил қилиш орқали сунъий қопқоқ ҳосил қилувчи Гартман типиди бир ўзакли колостомия усули хисобланади (5-расм).



5-расм. Чиқарилувчи ичакда “гофра” шаклида бурмалар ҳосил қилиш орқали сунъий қопқоқ ҳосил қилувчи Гартман типиди бир ўзакли колостомия усули

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, алоҳидаланган иккиталик колостома ўрнатишда ичакнинг олиб келувчи қисмига “гофра” шаклида бурмалар ўрнатиш, олиб кетувчи қисмини эса торайтириш мақсадга мувофиқ. Олиб келувчи ичакда “гармошка” ҳосил қилган ҳолда колостома шакллантиришда ушбу қоидаларга риоя қилиш химусни “қисмлаб” ўтишини таъминлайди, шунингдек парастомал чурра, тери мацерацияси, эвагинация каби асоратларни олдини олди. Ичакнинг юқори қисмларидан колостомани шакллантиришда “ажралган ичак” даги морфологик ўзгаришлар ҳам ўрганилди. Олинган наъмуналарнинг морфологик манзарасида ичак шиллик қаватининг нотекис қалинлашуви, баъзи жойларда чуқурлашган қисмларнинг

мавжудлиги, криптлар туби шиллик ости қаватигача борганли кузатилди. Шу билан бирга, лимфолейкоцитар инфильтрация ва эритродиapedез белгилари мавжуд бўлган соҳалар ҳам аниқланди. Олиб ташланган йўғон ичак препаратларида силлик мушаклар ўрганилганда аъзо деворида склероз ўчоқларининг борлиги, шунингдек ичак девори шиллик ва шиллик ости қаватларида коллаген толалар миқдорининг кўплиги ҳам кузатилди (6-расм).



6-расм. Оптик микрофотосуръат: Йўғон ичакнинг “фаолиятсиз” қисми препарати: силлик мушаклар склерози, коллаген толалар миқдорининг кўплиги.

Гематоксилин-эозин, 9x10 марта катталаштирилган

Болаларда стомаларни беркитиш муддатларини белгилашда биз радикал операциядан кейин беморни клиник-инструментал текширувидан олинган объектив мезонларга таяндик. Яъни оптимал муддат бўлиб 4-6 хафталар хисобланди (7-жадвал).

7-жадвал

Радикал операциялардан сўнг колостомани баргараф қилиш натижалари

№	Стомани баргараф қилиш муддатлари	Асоратлар (abs/%)								Жами	
		«Фаолиятсиз» ичак синдроми		Ичак чоклари нотурғунлиги		Анасто-моз стенози		Хажмли ичак резекцияси			
		abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
1	4-6 хафта (n=38)	-	-	1	2,63	1	2,63	1	2,63	3	7,89
2	6-8 хафта (n=13)	1	7,69	1	7,69	-	-	1	7,69	3	23,1
3	9-12 хафта (n=27)	2	7,40	-	-	1	3,70	2	7,40	5	18,5


Сигмасимон ичакка Гартман турида гофрлаш усулида колостома ўрнатиш даволаш натижаларини яхшилаш имконини беради ва ичакнинг фақатгина дистал бўлагини фаолиятдан тўхтатилиши туфайли ичак функциясини максимал сақлаб қолади, кейинчалик эса резекция чегараларини аниқлашда муаммо туғдирмайди, шунингдек катта хажмда ичак резекциясини ўтказиш заруратини истисно қилади.

“Фаолиятсиз” ичак синдроми ривожланишини олдини олиш мақсадида стоманинг олиб кетувчи қисмини албатта торайтириш орқали алоҳида проксимал иккиталик сигмастома ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса “фаолиятсиз” ичакни самарали санация қилиш имконини беради ва

эвагинация хавфини олдини олади. Колостома ўрнатиш усули ва уни ташувчанлик муддатлари олдиндан башоратлаш даволашнинг яхши натижаларига эришиш имконини беради.

Шундай қилиб, колостмаларни ўрнатиш жойи ва усулларини тахлил қилган ҳолда биз аноректал малформациянинг қуйи шаклларида Гартман типидида бир ўзакли терминал колостома (сигмастома), юқори шаклларида эса алоҳида проксимал икки ўзакли сигмастома шакллантириш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида хулосага келдик. Колостомаларни бартараф қилишнинг оптимал муддатлари радикал операциялардан кейин беморни клиник-инструментал текшириш орқали олинган объектив мезонларга боғлиқ. Энг оптимал мудда 4-6-хафта эканлиги маълум бўлди.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда биз томонимиздан “Аноректал малформацияси бўлган болаларда превентив колостомаларни ўрнатиш жойи ва усулини танлаш” алгоритми ишлаб чиқилди (7-расм).



7-расм. Аноректал малформацияси бўлган болаларда превентив колостомаларни ўрнатиш жойи ва усулини танлаш алгоритми ХУЛОСАЛАР

«Аноректал ривожланиш нуқсонлари аниқланган болаларда превентив колостомалар ўрнатиш учун кўрсатмалар ва усулларни танлаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Республика ва вилоят миқёсидаги иккита болалар даволаш профилактика муассасаси жаррохлик бўлимларига аноректал мальформациянинг оқмали ва оқмасиз турлари билан, шунингдек дастлаб колостома шакллантирилган, аноректал мальформациянинг юқори турлари

аниқланган 0 ёшдан 12 ёшгача бўлган 159 нафар бемор болаларнинг даволаш ва кузатув натижалари таҳлил қилинган. АРМ нинг оқмали шакли - 56 (35,2%) нафар, оқмасиз шакли – 103 (64,8%) нафар бемор болаларда ташхисланган;

2. Болаларда тўғри ичак сфинктери мушаклари ва иннервациясининг етук эмаслиги, операция даврида нерв-мушак элементларининг сезиларли жарохатланиши, шунингдек АРМ бўйича калостомасиз бажарилган радикал операциялардан кейинги даврда колоанал анастомознинг доимо нажас массаси билан контактда бўлиши асоратлар ривожланишининг сабаби бўлиб хисобланади ва узоқ муддат натижаларни белгилайди;

3. Колостомани сигмасимон ичакка Гартман типиди “гофра” хосил қилиш усули билан ўрнатилиши катта хажмда ичак резекциясини бажариш заруратини бартараф қилади, ичак функциясини максимал сақлаб қолиш ва асоратлар сонини 39,4% дан 20% гача камайтириш имконини берди;

4. Колостомани чап томонлама шакллантириш, тушувчи чамбар ичакнинг фиксацияланганлиги ҳисобига эвагинацияга мойил эмаслиги ва уни ораликқа туширишда ичак танқислиги юз бермаслиги туфайли оралик ва қорин-оралиқ аноректопластикасини асоратсиз бажаришга замин яратади;

5. Превентив колостомаларни бартараф қилиш усуллари ва ташувчанликнинг оптимал муддати радикал операциядан кейин клиник-инструментал текшириш орқали олинган объектив мезонларга боғлиқ ва 4-6 хафтадан ортиқ бўлмаслиги зарур.

6. Тадқиқот натижаларига асосан “Аноректал малформацияси бўлган болаларда превентив колостомаларни ўрнатиш жойи ва усулини танлаш” алгоритми ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 04/30.12.2019.Tib.102.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

БОЗОРОВ ШАВКАТЖОН ТОЖИДДИН УГЛИ

**ПОКАЗАНИЯ И ВЫБОР МЕТОДА НАЛОЖЕНИЯ
ПРИВЕНТИВНЫХ КОЛОСТОМ У ДЕТЕЙ С АНОРЕКТАЛЬНЫМИ
ПОРОКАМИ РАЗВИТИЯ**

14.00.35 – Детская хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.1.PhD/Tib1784.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном медицинском институте.
Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.sammi.uz) и Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Алиев Махмуд Муслимович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Шамснев Жамшед Азаматович**
доктор медицинских наук, профессор

Оллабергенов Одилжон Тожиддинович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Научный центр Педиатрии и детской хирургии**
Министерства здравоохранения Республики
Казахстан

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 г. В _____ часов на здании Научного совета PhD 04/30.12.2019.Tib.102.01 при Самаркандском государственном медицинском институте. Адрес: 140100, г.Самарканд, улица Амира Темура, дом 18. Тел./факс:(+99866) 233-30-34, e-mail: ilmiyprorektori@sammi.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре государственного медицинского института (зарегистрирована за №___). Адрес: г.Самарканд, улица Амира Темура, дом 18. Тел./факс: (+99866) 233-30-34

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(Реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2021 года).



А.М.Шамснев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор

Г.З.Шодикулова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

Ж.О.Атакулов
Заместитель председателя Научного семинара
при Научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Пороки развития органов аноректальной области - аноректальные мальформации (АРМ) включают врожденные дефекты и аномалии не только ануса, прямой кишки, мочеполовых путей, но и широкого круга других органов и систем. По оценкам ВОЗ от пороков развития в течение первых четырех недель жизни ежегодно умирают более 303 тысяч детей. Согласно резолюции «Врожденные пороки» Всемирной ассамблеи здравоохранения «...факторы приводящие к врожденным порокам, наравне с многими другими причинами и детерминантами врожденных расстройств, оказывают негативное влияние на здоровье детей выживших в неонатальном периоде.... В структуре врожденных пороков и аномалий развития доля аноректальных мальформаций (АРМ) превышает 7%...»³. Частота встречаемости АРМ составляет от 1:9000 до 1:2000 случаев в год и проблемы их диагностики и лечения обусловлены не только сложностью эмбриогенеза данной области, но и вариабельностью различных форм порока, которые приводят к снижению качества жизни, увеличению показателей инвалидизации и летальных исходов. Это в свою очередь, определяет актуальность в медицинском и социальном плане.

В мире на современном этапе развития детской колопроктологии предложено большое количество видов и способов наложения колостом. Однако, высокая частота осложнений (от 10 до 33%), связанных как с их формированием, сроками ношения, состоянием отключенных петель кишечника, так и дальнейшим восстановлением целостности кишечной стенки свидетельствуют о нерешенности многих тактических вопросов лечения АРМ в детской хирургии. В связи с этим, проводятся соответствующие исследования по показаниям и противопоказаниям к наложению колостомы при различных вариантах АРМ, выбору оптимального уровня и метода стомирования толстой кишки. В этом плане, особое внимание уделяется решению проблем по восстановлению здоровья путём своевременного применения хирургических вмешательств при лечении АРМ, проведению дальнейшего реформирования медицины первой линии, неотложной помощи, а также разработке целенаправленного хирургического лечения.

В настоящий период в отечественном здравоохранении предприняты масштабные целевые меры по коренному улучшению качества и существенному расширению диапазона оказываемой населению медицинской помощи. В этом направлении, в частности, в улучшении качества хирургического лечения детей с АРМ достигнуты положительные результаты. Вместе с тем для совершенствования системы оказания

